



2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 64 (1663), 2026 йил 3 апрель, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қайси мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётининг энг асосий шари ва гаровидир. Бу ҳал қилувчи омиллар давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида дунё ҳамjamiyатида муносиб ўрин эгаллаши, халқнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг барча манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бизнинг миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги гоъларининг сиёсий-ҳуқуқий қарорларини ўзида муҷассам этган янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон қадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиyатида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, минтақада яхши қўшничиликни ривожлантириш ҳамда Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини оширишда мустаҳкам таянч бўлиб келмоқда.

Миллий истиқлолимизнинг давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун беқисс аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлаш мақсадида қарор қилганам:

- 1. Қуйидагилар: а) “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош гоъяни ўзида муҷассам этган гоъвий-бадний концепция ва дастур 1- ва 2-иловаларга мувофиқ; б) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов): а) мустақилликнинг 35 йиллигини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида, барча маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, вазирилик ва идоралар тизимида муносиб нишонлаш мақсадида концепциянинг мазмуни ва асосий йўналишларига мувофиқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишни таъминлаш.

Бунда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш: (i) Янги Ўзбекистондаги амалга оширилаётган ислохотлар натижаида зозага келган улкан имконият ва ютуқларни кенг ёритиш; (ii) мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суриятларда жадал ривожланиб бораётганлиги натижаида фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бораётганлигини кўрсатиб бериш;

(iii) юртимизнинг тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ёритиш;

(iv) истиқлол туфайли миллий қадриятлар, давлатчилик, фуқаролик жамиyати

институтлари, жуумладан, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар аҳамиятини таъкидлаш; (v) нуруйиллар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини таъминлашга, ёшларнинг “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари” сифатида билим ва касб эгаллашлари, тадбиркорлик ташаббуслари ва истеъодларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилганлигига ургу қаратиш;

(vi) миллатлараро дўстлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш ва кучайтиришни барча фуқароларнинг муқаддас бурчи сифатида тарғиб қилиш;

(vii) байрам тадбирларига барча ёшлар, ижтимоий ва этник гуруҳлар ҳамда ватандошларнинг фаол жалб этилишини таъминлаш;

б) илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари тўғрисида иборат бадний-ижодий гуруҳлар тузиш ҳамда улар иштирокида апрель-сентябрь ойлари давомида республика бўйлаб кенг қўламадаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган “Мустақиллик тўйи” (фестивали) тадбирларини ўтказиш;

в) Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўришда танкидий сценарист ва режиссёрлар, шoir ва ёзувчилар, хонанда ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расомлари, истеъодли ёш ижрочилари жалб этилиш;

г) мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг йирик сонаот, маданият, таълим ва спорт муассасаларининг тантанали очилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки, Маданият вазирилик Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади.

4. Бадиий академия, Маданият вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил 1 июнга қадар миллий мустақиллик ва суверенитет гоъяларини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қўёғасини ўзида акс эттирган “Ватан фидойилари” рамзий монументининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

Ушбу монумент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда 2026-2030 йилларда барпо этилаётган умумимиллий бирдамлик боғларининг марказий қисмида ўрнатилиши ҳисобга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази Янги Ўзбекистон тараққиёт тадқиқотлари институти, “Юксалиш” умумимиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда 2026 йил 1 августга қадар ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган “Мустақиллик зафарномаси” махсус китоб-альбомини тайёрласин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил апрель ойидан ижтимоий тармоқларда #Mustaqillik35, #Uzb35 хештеглари остида тарғибот акцияларини (флешмоблар, подкастлар, викторина ва бошқалар) бошласин.

7. Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси 2026 йил апрель ойидан бошлаб “35 йиллик Истиқлол йилномаси” руқнида мустақиллигимизнинг тарихий бошқичлари, эришилган ютуқлар ва бунёдкорлик ишларини ёритувчи туркум ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар тайёрлаш ва телеканалларда намойиш этилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Адлия вазирилик ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сизирлиги 2026 йил август ойида Тошкент шаҳрида “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

9. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмига “Ватандошлар” жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ташқи ишлар вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2026 йил август-сентябрь ойларида хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспораси вакиллари иштирокида “Мустақил Ўзбекистон — гурурим, ифтихорим” ширини остида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этсин.

10. Марказий банк 2026 йил 1 сентябрга қадар “Мустақилликнинг 35 йиллиги” эсдалик олтин танғасини зарб этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Транспорт вазирилик 2026 йил 1 майга қадар тегишлича янги ташкил этилган маҳаллаларда ҳамда темир йўл станцияларидан бирига “Мустақилликнинг 35 йиллиги” номини бериш бўйича тақлифларни киритсин.

12. Белгилансинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомиyлик маблағлари ҳисобидан; б) Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлигига юртимиз мустақиллиги, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли ва халқимизнинг бирдамлиги ҳақида туркум материаллар тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилсин.

14. Республика комиссияси мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ахборот киритиб бориш, зарур ҳолларда, қўшимча чора-тадбирлар кўришни таъминласин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2026 йил 1 апрель

БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИШ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАТИЖАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 апрель куни Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва келгусидаги устувор вазиғалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бухоро вилояти сонаот, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва туризм соҳаларида ҳеч бир ҳудуддан кам бўлмаган улкан имкониятларга эга. Вилоятда 2 та йирик нефть-газ кимё қорхонаси фаолият юритмоқда, яна битта-си барпо этилмоқда. Шунингдек, қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган, умумий қуввати 4,5 гигаваттга тенг 10 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси қурилиши жадал кетмоқда.

2025 йилда ҳудудий ялли маҳсулот ҳажми 7,2 фоизга ошиб, 86,6 триллион сўмга етди, сонаотда 7,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоиз, хизматлар соҳасида 14 фоиз ўсиш қайд этилган. Ишсизлик 2024 йилга нисбатан 4,7 фоизгача, камбағаллик даражаси 6 фоизгача пасайган.

Йиғилишда Бухоро вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсаткичлари кўриб чиқилди. Хусусан, ялли ҳудудий маҳсулот ҳажмини 102,1 триллион сўмга етказиб, 9,1 фоиз ўсишга эришиш, сонаот ҳажмини 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5,9 фоизга, хизматлар ҳажмини эса 20,1 фоизга ўстириш вазиғалари белгиланди. Ишсизлик ва камбағаллик даражасини 2 фоизгача қисқартириш, 381,5 минг нафар аҳолини даромадли қилиш назарда тутилган.



ЭКОЛОГИК МАСЪУЛИЯТ ҳар бир фуқаронинг бурчи

Бугун экология мавзуси кўп тилга олинмоқда. Замонавий тренд эмас, ҳаётимизнинг деярли барча йўналишларида муаммоли масалалар, глобал таҳдид ўлароқ муҳокама марказида турибди. Ўзбекистон ушбу масаланинг аҳамиятини чуқур ҳис қилиб, экологик барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, экологияга муносабат ва ёндашув келажак олдидagi масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Албатта, бу жараён табиий мувозанатни тиклаш ва Орол денгизи фожияси оқибатларини камайтиришга хизмат қилади. Бу эса миллионлаб инсонлар саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, энергетика соҳалари ва иқлим шароитида ҳам барқарорликни таъминлаш имконини беради. Экологик чора-тадбирлар яшаш учун ҳавфсиз ва қулай муҳит яратиши ҳаво тозаланади, яшил ҳудудлар кўпаяди, аҳоли турмуш сифати ошади.

Бу йўлдаги ташаббуслар, аввало, минтақавий ҳамкорликни кучайтиради, чунки экологик муаммолар чегара билмайди. Табиатдаги ўзгаришлар бугун Марказий Осиё давлатларидан биргаликда ечим топишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, фаол экологик сиёсат мамлакатнинг халқаро майдонда масъулиятли ва замонавий давлат сифатида нуфузини ошириш, инвестицияларни жалб қилмоқда ҳамда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун имкониятлар яратяпти.

Орол денгизининг қуриши, тез-тез юз берадиган чанг ва қум бўронлари, шаҳарлар ҳавоси ифлосланиши, сув ресурслари танқислиги, ер қўлланиши, йўқолиб бораётган биохиммаҳиллик, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан ортиқча фойдаланиш — буларнинг барчаси ўн йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар ва ечим комплекс ёндашувни талаб қиларди.

“Зафарнома”ларнинг қўлёзма нусхалари ва уларни ўрганиш тарихи

ТАМАДДУН тафаккури

Ушбу сонда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳақида таҳлилий мақолалар, мажмуанинг асосий залларидан бири — “Ислондан аввалги давр цивилизациялари” бўлими билан танишиб, фотосаёҳат уюштиришингиз мумкин. Шунингдек, “Бир экспонат тарихи” руқнида ноқир экспонатлардан бири — миллодан аввалги биринчи минг йилликка мансуб буғу ҳайкалига оид маълумотлар билан танишасиз.

А.мир Т.е.мур таваллудининг 690 йиллиги

“ЗАФАРНОМА”ЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАВЖУД ИМКОНияТЛАРНИ ТўЛИҚ ИШГА СОЛИШ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАТИЖАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, 61 та мавжуд саноат зонасидаги бўш ер майдонларида жойлаштирилган янги ишлаб чиқаришлар учун устувор йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, Бухоро шаҳри ва Бухоро туманида озиқ-овқат ва мебелчилик, Вобкентда чарм ва енгил саноат, Когон ва Қоровулбозорда нефть-кимё, Шофиркон ва Пешкуда фармацевтика ҳамда озиқ-овқат, Ёғдудовда куриш материаллари йўналишларига устуворлик берилди.

Қишлоқ хўжалигида замонавий ердан фойдаланиш технологиялари ва ирригация тизимларини жорий этиш ҳисобига 100 минг гектар ерни ўзлаштириш ва фойдаланишга киритиш имконини қайта эълон қилинди. Бу виллоят иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини сезиларли оширишга хизмат қилади.

Йилда виллоятда 3 миллион гектар яшил ва яшил қилинган ерлардан самарали фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш, озуқабоп эканлар майдонини кенгайтириш бўйича янги ёндашувлар ҳам муҳофизат қилинди. Жорий йилда 59,2 минг гектар майдонга тўлиқ озуқабоп эканлар экиш режалаштирилган. Шунингдек, умумий қиймати 454 миллиард сўм бўлган 82 та чорвачилик лойиҳасини амалга ошириш, бу мақсадда четдан 20 минг бош насли қорамол, 30 минг бош қўй ва 200 бош от олиб келиш кўзда тутилган.

Пахтачилик, галлчилик ва сув тежаш йўналишларида ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, 2026 йилда пахта ҳосилдорлигини 52 центнерга, галла ҳосилдорлигини 100 центнерга етказиш, 96,8 минг гектарда сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш, 453,5 миллион куб метр суви иқтисод қилиш, 742 та қишлоқ хўжалиги техникасини олиб келиш режалаштирилган.

Чорвачиликда ҳар бир туманда 50 бош насли қорамолга мўлжалланган замонавий мини-фермалар ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди. Ушбу дастур доирасида 110 та лойиҳа амалга оширилиб, 5,5 минг бош насли қорамол олиб келинади, 3 минг 750 та янги иш ўрни яратилади ва 51,5 минг тонна қўшимча сут ишлаб чиқариш қуввати шакллантирилади.

Хизматлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида маҳаллалар ихтисослашуви асосида 49 та лойиҳа амалга оширилиши, 33 та савдо ва сервис кўчаси, 2 та соҳил бўйи ҳудуди, 4 та туризм маҳалласи ва 10 та йўл бўйи лойиҳаси ташкил этилиши белгиланди. Бунинг учун жами 12,5 триллион сўм молиявий ресурс, жумладан, 7,5 триллион сўм кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилади.

Туризм соҳаси ҳозирда асосан Бухоро шаҳри ҳисобига тўғри келаётгани, виллоятнинг бошқа туманларидаги имкониятлар эса ҳали тўлиқ ишга солинмагани қайд этилди. Жондор, Ёғдудов, Бухоро, Қорақўл ва Вобкент туманларида соҳил бўйи ва йўл бўйи драйвер лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли учун замонавий дам олиш муҳитини шакллантириш бўйича катта имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2026 йилда 3,5 миллион хорижий ва 5,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, умумий туристлар сонини 9 миллионга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 2026 йилда 73 та янги жойлаштириш воситаси, 15 та янги туроператор ва турагент ишга туширилади.

Бухоро шаҳрида барпо этилаётган янги туризм марказида 5 та халқаро брендли меҳмонхона ташкил этиш, Шофиркон туманида Хўжа Ориф, Бухоро туманида Чор Бақр ва Ёржон туризм қишлоқларини ривожлантириш, Бухоро шаҳрида Моҳи Хоса туризм маҳалласини шакллантириш назарда тутилган. Бухоро тарихий марказида ЮНЕСКО талабларига мос алоҳида маъмурий бошқарув тизимини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Когон шаҳрида 6 та тарихий объект негизда туризм шаҳарчасини ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Австриянинг Кремс университети билан қўшма факультет очиб, Бухоро туризм ва маданий мерос техникумини мазкур олийгоҳ бошқарувига бериш режалаштирилган. Бунда тўлиқ дуал таълим асосида мутахассислар тайёрлаш ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу университет Бухоро

шаҳрида ташкил этилаётган туну кун кўчаларни бошқариш бўйича янги моделини ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашади.

Йилда аҳоли сонининг ўсишига мос равишда уй-жой ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Бухоро туманидаги Работак маҳалласи ҳудудида 63 гектар майдонда 10 мингдан ортиқ хонадонли замонавий уй-жой комплекси қуриши, Бухоро шаҳрида янги маъмурий марказ ташкил қилиш, “Янги Ўзбекистон” массиви ҳамда “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этиш, Бухоро давлат университетининг янги кампусини қуриш каби йирик курилиш ва урбанизация лойиҳалари муҳофизат қилинди.

Йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди. Виллоятда узунлиги 33,1 километр бўлган 7 та айланма йўл барпо этиш, “Ўзур — Бухоро — Нукус — Бейнеу” йўлининг 78 километр ва “Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши” йўлининг 71 километр қисмини реконструкция қилиш, А-380 йўли бўйида 30,8 гектар ер майдонини аукционга чиқариб, 403 та сервис лойиҳасини жойлаштириш режалаштирилган.

Оғир тоифадаги 3 та туман ва 36 та маҳаллада, шунингдек, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги” 2 та туман ва 35 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида йўл, электр, сув ҳамда суғориш тармоқларини яхшилаш ишлари амалга оширилиши, бу мақсадларга жами 593 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши маълум қилинди.

Иктомий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун 2026 йилда жами 4 триллион 484 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши, бунинг ҳисобига мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ҳамда коммунал ва транспорт инфратузилмаси бўйича юзлаб лойиҳалар амалга оширилиши қайд этилди.

Президентимиз Бухоро виллоятининг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, ҳар бир ташаббусни аниқ лойиҳага айлантириш, инвестиция, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва инфратузилма соҳаларида натижадорликни таъминлаш бўйича мутахассисларга тегишли топшириқлар берди.

УЗА

ЭКОЛОГИК МАСЪУЛИЯТ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ



Азаматдин УМАТОВ, Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда экологик масала глобал мулоқот даражасига олиб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу муаммо масалани халқаро минбарларда ҳам кўтариб, унга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди. БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида Ўзбекистон минтақадаги экологик муаммолар кўламини охиқ баён қилиб, уларнинг оқибатларини юмшатиш ва келгусида бундай инқирозларнинг олдини олиш учун халқаро ҳамжамиятни бириктиришга чақирди.

Бу позиция бир мартали ташаббус эмас, ташқи сийосатимизнинг барқарор йўналишига айланади. Ўзбекистон Оролни қўқариш халқаро жамағатини ишда Марказий Осиё давлатларини бириктириш, қўшма экологик дастурларни илгари суриш

ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тарафлари сифатида фаол иштирок этмоқда.

Асосийси, экологик ташаббус ва таклифлар ШХТ саммитларидан тортиб, БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича конференцияларигача бўлган турли халқаро анжуманларда ҳам мунтазам янграб келмоқда. Бу эса мамлакатнинг нафақат ички экологик муаммоларини ҳал қилиш, балки глобал жараёнларда фаол иштирок этишга қатъий ва фаол интилаётганини кўрсатади.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳудудларни кўламли равишда бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Орол денгизини қуриб қолган тубида чанг бўронларини камайтириш мақсадида ҳимоя ўрмонлари, шаҳар атрофларида “яшил белбоғ”лар барпо этилди. Экологик қонунчилик мустақиллаштирилиб, табиатдан фойдаланиш устидан назорат кучайтирилмоқда. Ҳаво сифатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича чоралар кўрилмоқда.



“ЯШИЛ МАКОН” — КЕЛАЖАК УЧУН ТАБИАТНИ АСРАШДИР

Муносабат



Моҳичехра ЭШМИРЗАЕВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Ўзбекистонда экологик барқарорлик ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш масаласи давлат сийосати даражасига кўтарилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ана шу йўналишдаги энг йирик ва узоқ муддатли ташаббуслардан. Унга оддий кўчат экиш акцияси сифатида қараш — тадбирнинг асл моҳиятини тор доирада талкин қилишдек гап. Аслида, ушбу жараён ортда мамлакатда экологик мувозанатни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш, аҳоли саломатлигини муҳофизат қилиш ва шаҳарсозликда мутлақо янги ёндашувни шакллантиришдек стратегик мақсадлар мужассам.

экологик тафовутларни камайтиришга хизмат қилади. Қайд этилганидек, сўнгги беш йилда ҳар йили 200 миллион туп кўчат экилаётгани, 2000 гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва жамоат парки, 47 та “Янги Ўзбекистон боғи” ташкил этилгани катта натижа. Бу рақамлар ортда улкан ташкилий ва институционал фаолият туриди. Қолаверса, 256 минг гектар ўрмон барпо этилиб, Орлобўйидаги 2 миллион гектар майдонда ҳимоявий яшил қопламалар барпо этилганини экологик инқирозга қарши самарали жавоб сифатида баҳолаш мумкин.

Айниқса, Арнасой, Қорақўл, Муборак, Кармана ва Нукус туманларида галопит боғларининг ташкил этилиши шунчаки кўчат экиш эмас, балки илмий ёндашув асосида чўлланишга қарши курашининг янги модели шакллантиришга нисбатан намоян эътибор.

Президентимиз 2030 йилга қадар яшил даражасини 30 фоизга етказиш вазифасини қўйди. Бу эса ушбу ташаббуснинг вақтинчалик эмас, балки узоқ муддатли миллий стратегия эканини тасдиқлайди. Мисол учун, Сурхондарёда 10 минг гектар яшил макон, Сирдарёда 84 километри “яшил девор”, Қорақалпоғистон, Навоий, Бухоро ва Хоразмда юз минглаб гектар янги ўрмон барпо этилиши режалаштирилгани бу ишларнинг аниқ манзили ва ҳисоб-китобга асосланган ҳолда бажарилаётганидан далоят.

Энг муҳими, бугун жамиятда экологик онг, маданият юксалмоқда. Одамлар табиатни муҳофизат қилиш ташаббусларида фаол иштирок этмоқда.

Бу ўзгаришларнинг ёрқин намунаси сифатида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини келтириш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан 2021 йил ноябрда бошланган ушбу ёғ бутун умумхалқ ҳаракатига айланди.

Утган йили 266 миллион тупдан ортиқ кўчат экилганининг ўзиде бу йўналишдаги ишлар кўламини яққол ифодалади. Лойиҳа фақат рамзий акциялар билан чекланмасдан, табиатга муносабатимизни ўзгартирди, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди ва шу асосда янги экологик маданиятни шакллантирмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳани янада тизимли ва институционал ривожлантиришга йўналтирилган янги босқични белгилаб берди.

Унга қўра, 2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳрида қўшимча равишда жами майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил қилиш, 2030 йилгача Ўзбекистонда умумий яшиллик даражасини 14,2 фоиздан 30 фоизгача етказиш белгиланди.

Президентимиз 1 апрель кунини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.

Умуман, давлатимиз раҳбари бир неча бор дарахт экиш акцияларида иштирок этди. Бу эса экологик масъулият давлат ёки алоҳида ташкилотлар эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи эканидан далоят.

Мамлакатимиз етакчисининг ташаббуси, жараёндаги иштироки амалий аҳамиятга эга бўлиб, табиатга ғамхўрлик ҳар бир инсоннинг, аввало, ўзидан бошланиши кераклигини намоён этади.

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ — КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

Мамлакатимизда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислохотлар жараёнида ижтимоий институтларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун зарур шароит яратиб берилган. Ўз навбатида, касаба уюшмалари ҳам бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жамиятимиздаги ислохотларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Халқаро конференция



Касаба уюшмалари, энг аввало, инсон манфаати дегани. Шу маънода касаба уюшмалари наشرлари ҳам доимо инсон қадри, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя, адолат ва ҳамжиҳатлик каби эзгу тамойилларга хизмат қилиши лозим.

Бугун пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси муассислигида чоп этилаётган “Ishonch” газетаси ташкил топганининг 35 йиллиги муносабати билан “Касаба уюшмалари наشرлари трансформация шароитида — конвергенция сари йўл” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Иштирокчилар матбуот, рақамли технологиялар, инсон ҳуқуқлари, адабиёт, парламент ва фуқаролик жамиятини ўзаро боғлайдиган муҳим масалаларни муҳофизат қилади.

Анжуман дастури ҳам шунга монанд. Халқаро конференция қатнашчилари эътиборига “Касаба уюшмалари наشرлари — ижтимоий адолатни таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда медианнинг

ўрни”, “Касаба уюшмалари наشرлари рақамлашув дарида — трансформация, иншон ва ривожланиш стратегиялари” каби ўнга яқин мавзу ҳавола этилди. Шунингдек, улар кун тартибидеги масалалар бўйича халқаро, яъни Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Тожикистон ва Туркия каби давлатларнинг таъриблари билан танишди.

Президентимиз 2025 йил 17 октябрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда қўйидаги фикрларни билдирган эди: “Ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда одамларга ишончли маълумотларни ўз вақтида, тўғри етказиш жуда муҳим. Касаба уюшмалари бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам, салоҳият ҳам етарли. Энг катта аудиторияга эга бўлган касаба уюшмалари ҳалол ва фидойи меҳнатни тарғиб қилиш ҳамда меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашга оид ахборотларни жамоатчиликка биринчилардан бўлиб етказиб бориши керак”.

Бу фикрлар касаба уюшмалари тизими олдига жуда аниқ ва долзарб вазифаларни қўяди. Яъни ташкилот фақат меҳнатқашлар

ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган тузилма эмас, у ишончли сўз, ҳаққоний муносабат ва жамоатчилик олдидаги масъулиятни ҳам зиммасига олган тизим.

Бугун “Ishonch” ва “Ishonch-Doverie” наشرлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини ёритиб келаётган, меҳнат аҳли ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир мавзуларни мунтазам кўтариб чиқаётган наشرлар сифатида эътироф этилмоқда. Улар меҳнатқаш инсоннинг дарди, ҳуқуқи, орзу-интилиши ва жамиятдаги ўрнини ифода этишга интилиб келаётган минбардир.

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлиги, очкилик, жамоатчилик билан мулоқот, инсон қадрини улуғлаш каби тамойиллар ҳаётимизнинг муҳим мезонига айланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида муносабат ҳам тубдан ўзгариб. Бу ўзгаришлар, табиийки, матбуот зиммасига нафақат кенг имконият, балки янада катта масъулият ҳам юклайди.

— Газетанинг илк сони 1991 йил 21 март кунини наشر этилган, шу вақтдан буён унинг 5 минг 500 дан ортиқ сони муштарийлар қўлига етиб борди, — дейди наشر бош муҳаррири Хўсан Эрматов. — Бу рақамлар ортда узоқ йиллик меҳнат, таҳририй таърибаси, турли авлод журналистларининг изланишлари ва энг муҳими, ўқувчи ишончи мужассам.

Анжуман нафақат “Ishonch” газетаси таҳририяти, балки бутун касаба уюшмалари ҳаракати, миллий маъмурият ва жамоатчилик фикри тараққиёти учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга воқелиқдир. Чунки оддий сана нишонланаётгани йўқ. Бугун ишонч, сўз масъулияти, фидоқорона меҳнат ва жамоатчилик олдидаги бурч улуғланган.

— Газета, мана, бир неча йилдирки, оммабоплик борасида мамлакатимизнинг етакчи наشرлари сафидан жой олиб келмоқда. Унинг саҳифаларида босилаётган энг долзарб, энг аҳамиятга ва ранг-баранг мақолалар газетхонларга манзур бўлмоқда. Мухтасар айтганда, “Ishonch” ишонч қозонишда давом этмоқда, — дейди ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад.

Тизимда “Кучли касаба уюшмалари — кучли жамият асоси” ташаббуси остида касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва меҳнат муносабатларини ривожлантириш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб олинган. Бугун анжумани ана шу мақсадга эришиш йўлидаги навбатдаги қадам дейиш мумкин.

Нодр МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАМАДДУН тафаккури

Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юсак савияда адо этиши учун мен илм-фан ва маънавият фидойиларига — ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва rassomлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман: Ислom цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунасиз. Уларни тарғиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянамиз.

Бу тенгсиз бойликдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадиий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар: уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнас овози бўлиб дунёга таралсин!

Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин!

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий гуруҳ мактабига айлансин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ФАХР ЭТАРМАН, ОНА ХАЛҚИМ, КЎКРАГИМНИ ТОҒ ҚИЛИБ

Туркиянинг Бурса шаҳрида мезонлар бизни “1326 йилда Бурсанинг фатҳ этилиши” деб номланган музей-панорамага олиб боришган эди. Музейда 3D форматда намоиш этилган тарихни кўриб, “Нахотки, “минг асрлар ичра пинҳон” тарихга эга Ўзбекистонда шу каби музей қуриш мумкин бўлмаса?” дея ўйлаган эдим.



Шарофиддин Тўлаганов,
журналист

Кўнға борганимизда эса Мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасини зиёрат қилганимиздан сўнг Румий музейига бордик. Тўғриси, Мавлоно Румий даврига тушиб қолгандим. Яна ўша савол: “Нахотки, ўзимизда шу каби музей қуриш мумкин эмас?”

2023 йилда Саудия Арабистонидаги Niga Cultural District (Ҳира маданий маскани)га сайёҳат қилдик. Маскан тарих, маданият ва тафаккурни ўзида акс эттирган. Маданий масканда Қуръон музейи, шунингдек, маданий кўргазмалар, шинам қаҳвахоналар бор бўлиб, ҳаммаси уйғунлашган ҳолда барпо этилган. Яна ўша гап: “Бу каби маскан Ўзбекистонда ҳам қуриلسа, биз ҳам тарихимизни, маданиятимизни янада қадрлаган бўлардик” деган ўйга бордик.

Куни кеча Миллий телерадиокомпаниясининг бир гуруҳ ходимлари Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказида бўлди. Масканга ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги кишини хурсанд қилди. Айниқса, хорижликлар, жумладан, кўшни мамлакатлардан келган сайёҳлар кўпчилигини кўриб, қалбимизда гуруҳ уйғонди. Аслида, ҳар бир Ўзбекистонлик келиб кўриши шарт бўлган маскан бўлибди. Мақолаимиз бошида таъкидланган хориждаги тарихий ошёнлардан асло кам бўлмаган, ҳатто улардан устун бу марказ халқимизнинг фахрига айлангани ҳаммамизга муборак бўлсин.

Марказнинг асосий максалларидан бири халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини ўрганиш ва оммалаштириш, ёш авлоднинг буюк аждодлар мероси билан яқиндан таништириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

Минбар

Хорижлик мутахассислар эътироф этганидек, Ҳазрати Имом мажмуаси худудидаги 10 гектар майдонда барпо этилган марказ маҳобати, майдони ва қамровига кўра дунёда ислom тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган энг катта комплексдир. Бунга шахсан ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Узунлиги 161 метрни, эни эса 118 метрни ташкил этиб, уч қаватдан иборат. Марказидаги гумбаз баландлиги 65 метрни ташкил этади. Бино 1,8 гектар майдонда барпо этилиб, фойдаланиш худуди 42 минг квадрат метрни ташкил этади. Шунинг ўзиёқ марказни Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун асос бўлади.

Марказ биносининг асосий дарвозаси — Улғбек портали музейга кириш эшиги ҳисобланади. Ушбу портал Самарқанднинг Регистон майдонидаги Улғбек мадрасаси портали безакларига уйғун ҳолда лойиҳалаштирилган. Бу портал ҳам бевосита Президентимиз тавсияси асосида яратилди.

Мажмуани гуруҳ таркибиде, гид ҳамроҳлигида айланиб чиқиш учун икки соат белгиланган. Агар ёлғиз ўзингиз ёки оила аъзоларингиз билан бормоқчи бўлсангиз, вақт чекланмаган. Аслида, бу каби маънавият масканларига ёлғиз бориб руҳий озиқ олишни тавсия қилган бўлардим. Марказни айланар эканман, 2009 йил 4 июнь куни АҚШнинг ўша вақтдаги Президенти Барак Обамадан Қоҳира университетиде сўзлаган нутқи ёдимга тушди. Ушанда АҚШ етакчиси “Тарихга қизиққан инсон сифатида мен дунё цивилизацияси ислom олдиде қанчалик қарздор эканини ҳам биламан. Айнан ислom Ал-Аҳзар каби жойларда асрлар давомида

илм нурини тартиб келди ва Европадаги тикланиш ва маърифатга йўл очди. Муслмон жамятларининг илғорлик руҳи туфайли алгебра тартиб-қоидалари, магнитли компас

меъморлик анъаналарида лойиҳалаштирилган. Иншоотга тўрт томондан тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Порталлар ва бионинг ташқи (фасад) қисмидаги равоқлар



ва навигация ускуналари, ёзув маҳорати ва наширётга эга бўлди, касалликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари ҳақида тушунача ҳосил қилдик. Ислom тамаддуни бизга улғвор аркалар ва баланд миноралар, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган шеърят ва жозибали мусиқа, хусни хаттотлик ва ҳузур-халоват ила тафаккур қилиш имконларини берди”.

Нутққа эътибор беринг! Ахир АҚШнинг ўша вақтдаги Президенти “алгебра тартиб-қоидалари” деганда Хоразмийни, “магнитли компас” деганда Абу Райҳон Берунийни, “навигация ускуналари” деганда Фаронийни, “касаликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари” деганда Ар-Розий ва Ибн Сино каби улғв юртдошларимизни назарда тутмаганмикан? “Улғвор аркалар ва баланд миноралар” (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз), “вақт ҳукмига бўйсунмайдиган шеърят” (Алишер Навоий, Заҳририддин Бобур) ва “жозибали мусиқа” (Форобий) дейиш билан Барак Обама юртимизни назарда тутган, дея тўла ишонч билан айта оламиз.

Халқимизнинг гурурига айланган марказ қурилиши Президентимизнинг доимий эътибориде бўлди. Унинг биноси миллий

Қуръоннинг илм, маърифат, бағрикенглик, ота-онага ҳурмат мазмунидаги оятлари ва ҳадислар билан безатилган. Марказ биносининг асосий дарвозаси — Улғбек портали музейга кириш эшиги ҳисобланади. Ушбу портал Самарқанднинг Регистон майдонидаги Улғбек мадрасаси портали безакларига уйғун ҳолда лойиҳалаштирилган. Бу портал ҳам бевосита Президентимиз тавсияси асосида яратилди.

Марказни айланар эканман, Самарқандга оид турли даврлар акс этган экспонатларни кўриб, беихтиёр АҚШ дипломатларидан бири Жон Керрининг гапларини эсладим. 2015 йил 3 ноябрь куни АҚШнинг ўша вақтдаги давлат котиби Жон Керри Қозғистон пойтахти Остонада талбалар билан бўлиб ўтган учрашувда БМТ аслида Самарқандда ташкил этилгани борасиде баёнот билан чиққан эди.

“Мен тоғлар ва даштлар оша одамлар учрашган, турли минтақаларнинг маҳсулотлари ва гоғларни тўқнашган жойни ўз кўзларим билан кўрдим. Мен мана бу гоғ аjoyиб хикояни яна бир бор такрорлашни истардим. XV аср бошида Кастилия қироли Генрих III ўз элчисе де Клавихони Амир Темурунинг олдига юборган. Де Клавихонинг узок саёҳати Константинополь, Трапезунд орқали, шундан сўнг Шимолий Эрондан ўтиб, Ўрта

Осиёга, Самарқандга қадар давом этган. Шу ерда у Амир Темуру томонидан қабул қилинган”, деган эди Керри.

Яна у айтдики, “Де Клавихо ўз кундаликларида Фарб учун янги, шу вақтгача номаълум бўлган турмуш тарзининг қизиқарли манзарасини тасвирлаган. У маданиятлар, санъат, савдо ва гоғлар чорраҳасига таъриф берган. Самарқандда сиз қимматбаҳо ипак, саноат маҳсулотлари ва тилла, мовий шиша ва

“Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” экспозициясида мамлакатимизда сўнгги тўққиз йилдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жараёнлар, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, эришилган ютуқлар, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсати устувор йўналишлари, жамяят ва давлат ҳаётининг барча жаҳазларида амалга оширилган кенг қўламли ишлар акс этган. Залга кириш жойида янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақидаги ролик намоиш қилинади. Ўзбекистон давлатчилиги устувлари қисмида Қадимги Хоразм, Сўғд, Бактрия, Турк хоқонлиги, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларида давлатчилигимиз учун асос бўлиб хизмат қилган тамойиллар ва ёзма манбалар ўрин олган.

“Давлат, жамяят, инсон” инсталляциясида янги Ўзбекистоннинг уч муҳим жиҳати турли воситалар ёрдамида акс этирилган. Шунингдек, экспозиция “Иқтисодийёт — янги Ўзбекистон драйвери”, “Ўзбекистоннинг улкан галабалари, ёшлар ва спорт”, “Хавфсизлик ва ташқи сиёсат”, “Татлим, рақамлаштириш ва инновация”, “Маданият ва маърифат соҳасидаги ислохотлар”, “Янги Ўзбекистонда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, туризм”, “Янги фуқаролик жамяяти ва маҳалла”, “Янги Ўзбекистонда меъморчилик ва ижтимоий бунёдкорлик” каби қисмларга ажратилган.

“Ташқи сиёсат” бўлимида Ўзбекистон Президентининг хорижий сафарлари, турли давлат раҳбарлари билан учрашувлари ҳақида видеоматериаллар ва интерактив маълумотлар жойлаштирилган. Бу ерда Президентимиз ташаббуси билан чоп этилган ва давлат раҳбарларига туҳфа қилинган адабиётлар билан ҳам танишиш мумкин. Бу ҳам, ўз навбатида, китобга, китобхонликни рағбатлантиришга қаратилган эътиборни кўрсатади.

Грузияга сафар қилганимизда Сигнаги деган шаҳарчага олиб боришган эди. Шаҳарни кўриб, “Қойил, қандай қилиб тарихийликни сақлаб қолдингиз?” деб сўраганимизда, шаҳар 2007 йилда реновация (lotinca renovatio — “янгилаш”) қилинганини айтишган эди. Нима учун Сигнагини эсладим? Гап шундаки, Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказидан чиқиб, автобуста ўтириб, уйга кетишга шошилиш керак эмас. Қадимги Тошкент билан танишиш учун Чорсу бозорига пиёда юриб келишни тавсия қилган бўлардим. Жуда аjoyиб. Эски шаҳар кўнгилдагидек реновация қилинбди. Асл кўриниши сақлаб қолинган ҳолда эски уйлар реконструкция, реставрация қилиниб, сайёҳларнинг севишли масканларидан бирига айланбди.

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказидан “Фахр этарман, она халқим, кўкрагимни тоғ қилиб” чиқдим.
Ўзбегим деб кенг жаҳонга не учун мадэ этмайин!
Ўзлимиз билмоққа даврим берди имкон, ўзбегим.
Мен буюк юрт ўледудуран,
мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
содиқ ўелон, ўзбегим.

“ИСЛОМДАН АВВАЛГИ ДАВР ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ”



“ВАҚТ ДЕВОРИ”

“Вақт девори” жами 250 метрни ташкил қилади. Бу деворда халқимизнинг камида 3000 йиллик давлатчилиги тарихи барельеф, миниатюра ва маҳобатли ранг-тасвир асарлар кўринишида акс эттирилган. Шунингдек ушбу девор бўйлаб турли даврларга оид экспонатлар, нумизматика намуналари, хариталар, видеороликлар, интерактив ўйинлар жойлаштирилган.

Исломдан олдинги давр “Вақт девори”-да қадимги маданият илдиэлари, Бактрия, Хоразм, Сўғд, Чоч ва Фаргона, қадимги савдо йўллари акс этган барельеф суратларни кўришимиз мумкин.

Экспозиция юртимиздаги илк маданий ёдгорликлар — Навоий вилоятидаги Сармисшоё қоятош суратлари билан очилади. Улар 8-10 минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу ерда 12 мингтагача петроглифи кўра-миз.

Вақт деворида исломдан аввалги даврдаги аждодларимиз ҳаёт тарзи, кундалик машғулотлари махсус видеолавҳалар ёрдамида кўрсатиб берилган. Юртимиз худудидан илк давлатчилик шакланган даврлардаги архитектура, ҳунармандлик, тасвирий санъат, ёзув намуналарини “Вақт девори”-да яққол кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, диний эътиқод, халқимизнинг озо-длик учун курашлари ҳам шу деворда акс

ЭТИРИЛГАН. ҚАДИМГИ МАНБАЛАРДА ТўМАРИС, ШИРОҚ, СПИТАМЕН КАБИ ҚАХРАМОНЛАР ВАТАНИМИЗ ОЗОДЛИГИ УЧУН МАРДОНАВОР КУРАШГАНИ ХАМ ШУ ДЕВОРДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДА АКС ЭТГАН.

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ

Минтақамиздаги диний бағрикенглик марказларидан бири ҳисобланган заминда 400 йил ҳукмронлик қилган Кушонлар давлатида қадимги дунё аҳолисининг 20 фоизи истиқомат қилган.

Кушон давлати худудидан индуизм, буддизм, зардуштийлик ибодатхоналари мавжуд бўлган. Икки минг йил аввал бу ерда диний бағрикенглик ҳукм сурган.

Қадимги Кушон тангаларида ҳам турли дин маъбулларининг шакллари туширилган. Узоқ йиллар дунё олимлари Бактрия худудидан Окс Александриясининг аниқ ўрнини тополмай келди. Президентимиз ташаббуси билан марҳум академик Э. Ртвеладзе бошчилигидаги илмий гуруҳ 2019 йил август ойида ўтказилган III халқаро конгрессда Окс Александрияси Кампиртепа ёдгорлиги худудидан эканини исботлаб берди.

Бу залда қадимги Бактрия хазинаси, бактрий ёзув намунаси, шу худуддан топилган ҳайкалчалар, будда ва бодхисаттва ёдгорликлари, Кушон гиламини кўришимиз мумкин.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ

Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири, зардуштийлик динининг ватани, ўзбек давлатчилигининг илк ўчоғи саналади. Машҳур олим Сергей Толстов Хоразмни “Минг шаҳар ўлкаси” деб атаган. Юртимиздаги илк ёзув намуналари ҳам Хоразмдан топилган.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида қалъаларнинг энг муҳимлари акс эттирилган. Масалан, макети жойлаштирилган Кўйқирилганқалъа энг қадимги қалъалардан бири ҳисобланади. II-VI асрларга мансуб бу ёдгорлик ҳам аҳоли манзилгоҳи, ҳам расадхона вазифасини бажарган.

Залда “Авесто” китобидан саҳифалар, қадимги Хоразм шаҳарлари макетлари, зардуштийлар фойдаланган оссуарийлар (суяк сақланган идишларни кўрамыз).

БУЮҚ ИПАК ЙўЛИ

Ўзбекистон тарихида ушбу йўл катта ўрин тутди. Эрамиздан аввалги II асрда бошланган бу ипак йўли 18-аср давомида Ғарб билан Шарқни боғлаб турган. Бу йўл Ўзбекистоннинг катта шаҳарларидан ўтган. Интерактив харитада ушбу шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан Марказий Осиё ва Озарбайжоннинг Ўш, Ўзган, Тараз, Марв, Хўжанд, Габала сингари шаҳарлари ҳам ушбу харитага киритилган.

Мазкур залда пахта инсталляцияси, Кушон тангалари, Ер юзидаги энг қадимий шахмат доналари, тўқимачилик намуналари, бактрия туяси, сўғд бозори видеолойиҳаси ва бошқаларни кўриш мумкин.

Юртимиз худудидан Далварзинтепадан топилган шахмат доналарини дунёдаги энг қадимги ана шундай топилмалар дейиш мумкин. Бу Ҳиндистондан топилган шахмат доналаридан ҳам 4 аср олдин яратилгани аниқланган.

ҚАДИМГИ СўҒД

Ўзбекистон нафақат шахмат, балки мусиқа ватани ҳамдир. Самарқанд худудидан, Ургутнинг Мўминобод қишлоғидан топилган 3300 йиллик най ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Бу ерда юртимиз худудидан яратилган бир қанча чолғу асбоблари билан танишиш, уларнинг овозини ҳам эшитиб кўриш мумкин.

Қадимги Афросиёб ёдгорлигидан топилган деворий суратлар ҳам ватанимизда халқаро муносабатлар, савдо-сотиқ, тасвирий ва амалий санъат қанчалик ривожланганини кўрсатади.

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА

Фаргонанинг қадимий учар отлари ҳақидаги маълумотлар қадимги Хитой манбаларида тилга олинган. Афсоналарга кўра, бу отлар банд тоғ этакларида яшаган. Отлар Довон мамлакатининг ор-номуси тимсоли бўлган. Хитой императори ҳам бу отларни қўлга киритиш учун бир неча бор Қадимги Фаргона — Довонга ўз элчиларини йўллаган. Аммо фарғоналиклар ўз отларини ҳеч кимга бермаган. Бу отлар тасвири сўғд либослари, идиш-товоқлари, тасвирий санъат намуналарида ҳам кўришимиз мумкин.

Залдан Андижон вилояти худудидан топилган Қадимги Далварзин шаҳри макети, кулоллик намуналари ўрин олган.

ҚАДИМГИ ЧОЧ

Тошкент воҳасидан унча узоқ бўлмаган Ахсикент ёдгорлиги худудидан бундан икки минг йил муқаддам металлургия саноати тараққиёт палласида эди. Ахсикентда қазиб олинган пўлат Яқин Шарққа олиб борилган ва дунёга машҳур дамашқ қилчиларини тайёрлашда ишлатилган.

Тошкент воҳасида ҳам кулолчилик, қилич ва қалқонлар, камон ва ўқ-ёйлар ясаш қадимдан ривожланган. Тошкент камонлари ҳатто Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида ҳам тилга олинган.

Исломдан олдинги давр экспозицияси якунидан “Марказий Осиёдаги қадимий цивилизациялар” ролиги ўрин олган.

Бир экспонат тарихи

“Исломдан аввалги давр цивилизациялари” экспозициясининг энг нодир экспонатларидан бири — милотдан аввалги биринчи минг йилликка мансуб бугу ҳайкали. Мазкур муҳим археологик ашё ҳозирги Навоий вилояти худудидан топилган бўлиб, минтақада яшаган кўчманчи чорвадор қабиаларнинг юксак бадий тафаккури ва ўзига хос эстетик қарашлари ёрқин ифодасидир.

БУҒУ ҲАЙКАЛИ

КУЧ-ҚУДРАТ, СЕРҲОСИЛЛИК ВА ҲАЁТ БАРДАВОМЛИГИ ТИМСОЛИ

Ушбу бронза ҳайкал ҳайвонлар образи стилизация қилинадиган, уни ҳаракат ва рамзий маъно билан ифодаловчи безак санъати — “ҳайвонот услуби” (animal style)да ясалган. Бу услуб Евроосиё даштларида кенг тарқалган сак ва скиф маданиятига хос.

Асарда бугу образи ҳам реалистик, ҳам рамзий-бадий йўсинда талқин этилган. Нафис қайрилган узун ва серқирра шохлари, бугунинг ихчам танаси ва ҳаракатга шай ҳолатда тасвирланиши композицияга кучли динамика бағишлаган. Шакллар умумлаштирилгани, чизиклар аниқ ва ифодали берилгани санъаткорнинг юксак маҳорати ва тасвирий тафаккуридан дарак.

бардавомлиги ва табиат билан уйғунлик рамзи ўлароқ эъзоланган. Айрим тадқиқотчилар эса ушбу образни осмон ва ер ўртасидаги рамзий боғловчи, руҳлар олами билан алоқадор муқаддас жонот сифатида талқин қилади. Шу бонс, бундай ҳайкалчалар қадимда кўпинча қабр ёдгорликларида, маросим мажмуалари ёки бошқа табаррук жойларда ўрнатилган деган фаразлар мавжуд. Шу нуқтан назардан, мазкур ёдгорлик нафақат археологик жиҳатдан, балки маънавий-маданий мерос сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бундай ҳайкаллар одатда диний маросимлар, эътиқодий тасаввурлар ва уруғ-қабилавий рамзлар билан боғлиқ бўлганини инобатга олсак, экспонат бронза ва темир даври Ватанимиз сарҳадида истиқомат қилган ҳалқлар, хусусан, скиф-сак маданий анъаналари, диний тасаввурлар ҳамда кўчманчи жамиятлар ҳаёти ҳақида қимматли маълумот беради. Шу маънода, ушбу нодир топилма аждодларимизнинг бой маданий мероси ва юксак бадий диди ҳақида гувоҳлик берадиган бебаҳо ёдгорлик ҳамдир.

Қадимги кўчманчи халқлар дунё-қаршида бугу тимсоли алоҳида ўрин тутган. У куч-қудрат, серҳосиллик, ҳаёт

Аслиддин КАРИМҚУЛОВ,
журналист



Фотосаёҳат

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИНГ АНТИК ИЛДИЗЛАРИ БўЙЛАБ

“Исломдан аввалги давр цивилизациялари” экспозициясининг кириш қисми қоятош имитацияси билан бошланади. Ушбу бадий-меъморий ечим ибтидоий жамоа даврига хос табиий муҳитни акс эттиришга қаратилган. Ички қисмида қадимги турар жой манзилгоҳи сифатида гор муҳити реконструкция қилинган.

Мазкур гор тасвири илк палеолит ва мезолит даврларида одамлар яшаган табиий бошпаналарни ифодалайди. Археологик тадқиқотлардан маълумки, бундай манзилгоҳлар ибтидоий жамоалар учун доимий ёки мавсумий турар жой вазифасини ўтаган. Ғорларда терини ошлаш, тош ва суякдан меҳнат қуроллари ҳамда турли буюмлар тайёрлаш, озиқ-овқатни қайта ишлаш каби хўжалик ишлари бажарилган. Бундай реконструкция экспозиция зиёратчиларига инсоният цивилизациясининг илк босқичлари, яшаш тарзи ва меҳнат маданияти ҳақида яхлит илмий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Биз кўпинча минтақамиз тарихини муайян

нуқтадан бошлаб ўрганишга одатланганмиз, бироқ мазкур зал ўша буюк уйғонувчи даврига қадар ҳам бу заминда кўҳна тамаддун илдиз отганини кўрсатади. Экспозицияни диққат билан айландириб, озиқ-овқатнинг илмий асосларини кўриш мумкин. Қадимги Бактрия, Сўғд, Хоразм тупроғидан топилган осори-атиқалар маънавий меросимизнинг илк қатламлари сифатида ўша даврдаги юксак эстетик диддан далолат беради. Бу артефактларга термилб, илгари одамларнинг табиат билан уйғунлиги, конот сирларига интилиши ва юксак ахлоқий мезонларни шакллантириш йўлидаги уринишларини ҳис қилиш мумкин. Шиша витриналар ортидаги ҳар бир объект, у қушонлар

даврига мансуб маҳобатли ҳайкаллар бўладими ёки Мугтоғдаги милотий 710 йилга оид илк никоҳ шартномаси — барчаси ягона ҳақиқатни тасдиқлайди: бу замин аздалан маданиятлар чорраҳаси, турли эътиқод ва қарашлар макони бўлган.

Экспозициядаги археологик топилмалар ўзгичмизнинг энг чуқур илдиэларига қайтишга ундайди. Залда тасаввур ва илмий аниқлик шундай уйғунлашганки, киши ўзини гўё вақт машинасида юргандек ҳис қилади. Ислом цивилизацияси даврида юз берган улкан интеллектуал сакраш айнан мана шу қадимий ва мустаҳкам пойдевор устига қурилганини англаш эса, табиийки, миллий гуруру туйғусини янада юксалтиради.

Мен ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темури ва улуг лашкарбошиларимиз ўнгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ЗАФАРНОМА” ЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ



Амир Темури тўғрисида у ҳали ҳаётлик чоғида ва вафотидан кейин, ҳатто бир неча аср ўтгандан сўнг ҳам ёзилган асарлар салмоғи хайратли даражада катта. Зеро, Амир Темури сиёсий мероси нафақат ўрта Осиё, балки жаҳоннинг айрим ўрта аср ҳукмдорлари меросига киёслаганда ҳам жуда беқиёс. Шундай бўлса-да, Амир Темури фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб “Зафарнома”лар тадқиқотчилар учун асосий манба бўлиб қолмоқда. Чунки уларда реал тарихий воқеалар акс этган.

Ҳофиз Таниш Бухорий “Шарафномаи шохий” (“Абдуллонома”)ни ёзишда (XVI аср) Али Яздий “Зафарнома”сидан фойдаланган ва муаллифини ҳурмат билан “мавлоно” деб тилга олган. Туглук Темурининг насл-насаби баёнида сўз юритганда, Али Яздий ва унинг асарини эҳтиром билан эслаб ўтади: “Унинг (Туглук Темурининг) насаби замоннинг шарафи ва жаҳоннинг энг латифи мавлоно Шарафуддин Али Яздийнинг (киتابи) “Зафарнома” муқаддимасида шарҳ қилинган”.

Али Яздий “Зафарнома”си XVIII асрда ҳам ўрта аср муаллифлари эътиборида бўлганини номалум ҳатот томонидан “Нухайи Амир Темурий” номи билан 1792 йил Бухорода таълиф этилган қўлёзма орқали билиш мумкин. Шарқшунос олим Б.Қаюмовнинг (1936-2014) аниқлашча, ушбу қўлёзма Шарафуддин Али Яздий, Ҳофиз Абу, Абдуразоқ Самарқандий, Мирхонд, Ҳофиз

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур даҳаси қозиси Эшонхон Муҳиддинхўжа қўлга келиб тушади. Унинг вафотидан сўнг ворисларидан бири, яъни Насриддин Норхўжа 1939 йил қўлёзmani ўзaro келишув асосида Тошкент оммавий кутубхонасига (Ташкентская публичная библиотека) сотади. Диний илмлар билимдони бўлган муфтий Насриддин Норхўжа кейинчалик ЎзФА Шарқшунослик институти илмий ходими лавозимида фаолият кўрсатиб, 1958 йилда вафот этган.

Ҳар икки муаллиф “Зафарнома”лари асосида Европада Клавихо, Пьетро Перондино де Прато, Санша, Иванни, Бартольд, Жан-Поль Ру, Гарольд Лэмб ва кўплаб бошқа тадқиқотчилар Амир Темури фаолиятини ўрганган. Али Яздий “Зафарнома”сига кўп мурожаат қилган шарқшунослардан бири В.В.Бартольддир. У 1918 йил эълон қилган “Улугбек и его время” (“Улугбек ва унинг замонаси”) асарини ёзишда қатор қўлёзмалар,

Тажрибамда кўрилганким, азма қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради.

Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиб йўлларини ўйлаб кўярдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш аҳли бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасунлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар.

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим.

“Темури тузуқлари”дан

Амир Темури шахсияти дoston, қисса ва назмий асарларда ривоятларга ўраб талқин қилинган хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Низомий тахаллусли ўрта аср муаллифининг XIX аср бошларида кўчирилган “Қиссаи Амир Темури”, Мирза Румузининг 1712 йилда ёзилган “Темуринома”, Сайид Муҳаммадхўжанин 1887 йилда кўчирилган “Достони Амир Темури”, Мулло Салоҳиддин Тошкандийнинг 1908 йилда тошбосма усулида чоп этилган “Темуринома” асарлари шулар жумласидан. Уларда Амир Темури шахсияти баъзан афсонавий қаҳрамонлардек тасвирланган.

Юқорида тилга олинган икки муаллиф, яъни Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”лари бир-бирдан қўлёзма нусхалар сони, тарқалиш географияси ва ўрта аср муаллифлари ҳамда тадқиқотчилар томонидан истифода этиш даражаси билан фарқланади.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг дунё бўйлаб тарқалган қўлёзма нусхалари умумий сони бутунги кунда тахминан 100 дан ортиқ. Энг қадимги қўлёзма нусхалари Санкт-Петербургда Россия Миллий кутубхонаси, Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади. Шунингдек, Техрон, Машҳад кутубхоналари, Британия музейи, Франция Миллий кутубхонаси, Истанбулдаги Нури Усмоғия кутубхонаси, Гарвард бадний музейи, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма нусхалар тарихий, бадний, ахборот қиммати юқорилиги билан Амир Темури фаолиятини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Бу асарнинг турли даврларда кўчирилган 30 га яқин қўлёзмаси бутунги кунда ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Хусусий коллекцияларда сақланаётган ва ҳали каталоглаштирилмаган нусхалари ҳам бор.

Амир Темурига бағишлаб ёзилган кўплаб қўлёзма асарлар борлигига қарамай, жаҳон, жумладан, Ўзбек темуршунослигида Али Яздийнинг Амир Темури вафотидан 20 йил кейин ёзилган “Зафарнома”сига нисбатан устуворлик берилади. Нега шундай? Ваҳоланки, Низомиддин Шомий “Зафарнома”си Амир Темури ҳаётлик пайтида ёзилиб, Соҳибқирон назаридан ўтган ва у бошқа кўплаб асарларга манба бўлиб хизмат қилган. Гап шундаки, Низомиддин Шомий “Зафарнома”си нусхалари Али Яздий “Зафарнома”сига нисбатан кам сақланган ва бизгача бор-йўғи икки нусхада етиб келган. Бири Истанбулдаги Нури Усмоғия кутубхонасида, иккинчиси

Лондондаги Британия музейида сақланади. Истанбул нусхаси 1425 йилда, Лондон нусхаси 1434 йилда кўчирилган.

Ҳар иккала “Зафарнома” ўртасида муштараклик ва ўзига хослик мавжуд. Муайян воқеалар баёнида улар бир-бирини такрорласа-да, яхлит олганда, бир-бирдан мустақил асарлардир. Шомий “Зафарнома”си Ҳофиз Абунинг асарга ёзган муқаддима ва иловаси билан бирга 120 боб ва 646 саҳифани ташкил қилса, Али Яздий “Зафарнома”си муқаддима, хотима, 329 боб ва 637 саҳифадан иборат. Демак, Али Яздий “Зафарнома”сининг боблар бўйича устуворлиги асар воқеалари батафсиллигини, тасвирларнинг деталлаштирилишини таъминлаган дейиш мумкин. Масалан, Шомий Амир Темурининг она авлоди хусусида бир сўз ҳам айтмаган, Али Яздий эса асар ботидаёқ Соҳибқироннинг волидаси номини тилга олиб, Тақина Хотун эканини таъкидлайди.

Низомиддин Шомий “лой жанги” иборасини мутлақо ишлатмаган. Бу воқеа тафсилотларини муаллиф 1360 йил (куни ҳозирги ҳисобда 16 июль) билан белгилайди ва шу куни кучли ёмғир ёққанини ёзади. Али Яздий “лой жанги” иборасини ишлатиш баробарида, Шомийдан фарқли ўлароқ, жанг насасини жавзо мавсумига нисбат бериб, 1365 йил (ҳозирги ҳисобда 21 май билан 21 июнь оралиғида) бўлиб ўтганини қайд этади.

Воқеаларни тасвирлашда ҳар икки асар ўртасидаги бундай фарқларни яна кузатиш мумкин. Лекин ҳар иккала асарда ҳам Амир Темури улуглаш, буюклигини эътироф этиш гоёси баён этилаётган воқеа-ҳодисалар мазмунига синдирилган.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”си асарга мурожаат қилиш даражаси билан Али Яздийнингкига нисбатан куйроқда туради. Тарқалиш географияси торлиги оқибатида юзага келган тадқиқ қилиш имконияти чекланган асарга мурожаат қилувчилар сони қисқаришига олиб келган. Мовароуннаҳр ўрта аср муаллифлари Низомиддин Шомий-га деярли мурожаат этишмаган. Али Яздий “Зафарнома”си эса темурийлардан кейинги ўрта аср муаллифлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилган.

Али Яздий “Зафарнома”сига биринчи бўлиб мурожаат қилган, унга баҳо берган ўрта аср муаллифи Абдуразоқ Самарқандий ҳисобланади. У “Матлаи саъдайн ва маъмуи баҳрайин” (“Икки саодатли юлдузнинг қиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асарида Али Яздий ва унинг “Зафарнома”сини бир неча бор тилга олади.



Таниш Бухорий каби муаррихлар асарларидан олинган маълумотлардан иборат бўлиб, унга “Нухайи Амир Темурий” номи билан тартиб берилган ва муаллиф сифатида Шарафуддин Али Яздий номи қайд этилган. Бу асар Амир Темури тарихи билан бирга XV аср бошларида Мовароуннаҳрдан ташқари ҳудудлар, жумладан, Кавказорти, Волгабўйининг икътимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ҳам баҳс юритади.

“Зафарнома”ларни илмий ўрганиш, илмий-танқидий матнини тайёрлаш, факсимиле нусхаларини эълон қилиш Европада бошланди. Али Яздий “Зафарнома”си қўлёзма нусхаларидан бирининг тақдири хусусида “ЎзФА Шарқ қўлёзмалари тўплами”да қизиқ бир маълумотга дуч келамиз. Али Яздий “Зафарнома”сининг 1629 йил Самарқанда кўчирилган 12 та миниатюрдан иборат чиройли қўлёзма нусхаси аслида Қўқон хони Худоёрхон хазинасига тегишли бўлган. Ушбу қўлёзма 1897 йил Парижда, Жаҳон кўргазмасига юборилди. Қўлёзма эгасига 300 тилла рубл таклиф қилинган бўлишига қарамай, у сотилмаган. Қўлёзма

жумладан, Али Яздий “Зафарнома”сидан ҳам фойдаланган. Шу билан бирга, айрим маълумотларга аниқлик киритишда Низомиддин Шомий “Зафарнома”сига мурожаат қилган. Бартольд Европада илмий сафари даврида Низомиддин Шомийнинг Британия музейида сақланаётган “Зафарнома”си қўлёзмаси билан танишади ва уни илмий ўрганади.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”сини кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган европалик шарқшунос Феликс Тауэр ҳисобланади. У 1937 ва 1957 йилларда Низомиддин Шомий “Зафарнома”сининг илмий-танқидий матнини икки жилдада Прагада нашр этди. Асарнинг Прага илмий-танқидий матни нашри кейинги тадқиқотлар учун кенг йўл ва имкониятлар эшигини очди. 1949 йил ушбу нашр асосида асар Анқарада турк тилига ўғирилди. 1969-1972 йилларда ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими Юнусхон Ҳакимжонов Феликс Тауэр нашри асосида Низомиддин Шомий “Зафарнома”сини Ўзбек тилига таржима қилди. Лекин ўша йиллари Амир Темурига муносабатта мафқуравий тус берилиши оқибатида бу

таржимаси кенг илмий жамоатчиликка тақдим этилмади. Лекин сарфланган меҳнат самарасиз қолиб кетмади. Атоқли шарқшунос олим А.Уринбоев раҳбарлигида О.Бўриев, Ҳ.Кароматов, А.Ҳакимжоновдан ташкил топган илмий жамоа Низомиддин Шомий “Зафарнома”сининг аввалги таржимасини қайта кўриб чиқиб, тузатиш, тўлдириш, аниқлаш, кўрсаткичларни бойитиш билан 1996 йилда унинг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимасини нашр этди.


Али Яздий “Зафарнома”сининг ўзбекча таржимаси мавжудлиги борасида дастлабки маълумотларни Ўзбек маърифатпарвари Миён Бузрук (1891-1938) тақдим этган. У ўтган асрнинг 20-йиллари Истанбулда бўлган даврида Нури Усмоғия кутубхонасида асарнинг ўзбек тилидаги қўлёзмаси билан танишади. Миён Бузрукнинг ёзишча, шайбоний Кўчкунчиҳон буйруғи билан асар Мухаммад ибн Дарवेशлихон томонидан форсийдан ўғтирилган. Али Яздий “Зафарнома”сининг тарихий манба сифатидаги аҳамияти эмас, кўпроқ унинг тил хусусиятлари Миён Бузрук эътиборини тортган.

Аҳамиятлиси, Миён Бузрук Истанбулдаги Нури Усмоғия кутубхонасида танишган Али Яздий “Зафарнома”сининг қўлёзма нусхасини 1997 йил таъдил қилиб, кенгайтирилган сўзбоши, илмий изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр этиш икки забардаст ўзбек олими Ашраф Аҳмедов ва Бобобек Ҳайдарбеков зиммасига тушди ва улар бу ишни мукамал даражада адо этишди.

Амир Темурига бағишланган “Зафарнома”ларни ўрганиш ҳамон жаҳон темуршунослиги эътиборида бўлиб келмоқда. Бутунги кунда Муҳаммад Шафи, Широн Андо, Жон Вудз, Чарл Мелвилл, Илкер Эврим Бинбаш, Ж.Тулибаева, А.Арсланова ва бошқа олимлар “Зафарнома”ларни ўрганишни давом эттирмоқда.

Жаҳондаги кутубхона, илмий муассасалар, тадқиқот марказлари ва шахсий коллекцияларда сақланаётган “Зафарнома”лар қўлёзма нусхаларининг умумий сонига аниқлик киритиш, кодикологик таҳлилни амалга ошириш, матнлар композицион тузилишини таҳлил қилиш темуршунослик олдига турган вазифалардан биридир.

Ҳалим Тўраев,
тарих фанлари доктори,
БухДУ профессори



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30646 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнерлар: Зафар Рўзиев
Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 21:50 Топширилди — 23:05